ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУГИ

123 Шаҳар ва бошқа аҳоли пунктлари кучаларини, шунипсек хужаликлараро қишлоқ автомобиль йулларини таъмирлаш манзилли руйхатларини шакллантириш ҳамда ҳаражатларини маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириш (туловларни амалга ошириш) тартиби буйича низомга узгартиришлар ва қушимча киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил 15 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1808-1

(2012 йил 25 мартдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2011 йил 31 декабрдаги 352-сон «Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини таъмирлаш ва сақлаш ишлари таснифига ўзгартириш ва қушимчалар киритиш турисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари туплами, 2011 й., 52-сон, 566-модда) мувофиқ буюраман:

Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2012 й.



^{*} Илова рус тилидаги матнда берилган.

11 (511)-сон

— 99 —

123-модда

- 1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2008 йил 7 майдаги 49-сон буйруги (рўйхат рақами 1808, 2008 йил 16 май) (Ўзбекистон Республикаси конун хужжатлари тўплами, 2008 й., 20-21-сон, 181-модда) билан тасдикланган Шахар ва бошқа ахоли пунктлари кўчаларини, шунингдек хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўлларини таъмирлаш манзилли рўйхатларини шакллантириш хамда харажатларини махаллий бюджет маблаглари хисобидан молиялаштириш (тўловларни амалга ошириш) тартиби бўйича низомга иловага мувофик ўзгартиришлар ва кўшимча киритилсин.
- 2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат руйхатидан утказилган кундан бошлаб ун кун утгандан кейин кучга киради.

Вазир Р. АЗИМОВ

Тошкент ш., 2012 йил 1 март, 24-сон


Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2012 йил 1 мартдаги 24-сонли буйруғига ИЛОВА

Шахар ва бошқа ахоли пунктлари кўчаларини, шунингдек хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўлларини таъмирлаш манзилли рўйхатларини шакллантириш хамда харажатларини махаллий бюджет маблаглари хисобидан молиялаштириш (тўловларни амалга ошириш) тартиби бўйича низомга киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимча

- 1. 2-банднинг учинчи хатбошиси чикариб ташлансин.
- 2. 5-банд ўз кучини йўқотган деб хисоблансин.
- 3. 6-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:
- «6. Автомобиль йўллари жорий таъмирлаш техник текширишлар ва техник кўриклар (бахорги, кузги ва даврий) натижалари ёки нуксонлар ведомостлари асосида тузилган бажариладиган ишларга қараб ўрнатилган тартибда тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатлари ёки ҳаражатлар сметалари доирасида амалга оширилади».
 - 4. 7-банддан «ўрта» деган сўз чиқариб ташлансин.
 - 5. 11-бандда:

биринчи хатбошидан «ва ўрта» деган сўзлар чиқариб ташлансин; куйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Жорий таъмирлаш буйича иш ҳажмлари техник ҳисоб-китоб ва муҳандислик изланишлар олиб боришни талаб этадиган алоҳида ҳийин ишларни



123-модда

бажаришда автойўлларни жорий таъмирлаш техник текшириш, техник кўрикдан ўтказиш натижаси асосида ишлаб чиқилган, соха ва давлат экспертизасидан ўтказилган ва ўрнатилган тартибда тасдиқланган лойиха-смета хужжатларига мувофик амалга оширилади».

- 6. 17-банддаги «ва ўрта таъмирлашни» деган сўзлар «таъмирлашни, шунингдек автойўлларни жорий таъмирлаш, иш хажмлари лойиха-смета хужжатлари асосида аниқланган» деган сўзлар билан алмаштирилсин.
- 7. 20-банддаги «ўрта» деган сўз «жорий» деган сўз билан алмаштирилсин.
 - 8. 23-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:
- «23. Автойўлларни таъмирлаш харажатларини молиялаштириш (тўловларни амалга ошириш) қатъий равишда тасдиқланган бюджет маблағлари доирасида, Буюртмачи харажатлари сметасининг 4-гурухида шу мақсадлар учун кўзда тутилган харажатлар Давлат бюджети харажатлари функционал таснифига мувофиқ қуйидаги бўлим, кичик бўлим ва боблар орқали амалга оширилади:
- 7 045 201 110 шаҳар ободонлаштириш бошқармасининг шаҳар автомобиль йулларини таъмирлаш харажатлари;
- 7 045 202 110 шахар ободонлаштириш бошқармасининг хужаликлараро (қишлоқ) автомобиль йулларини таъмирлаш харажатлари;
- 7 045 203 110 туман ободонлаштириш бошқармасининг туман мар-казлари автомобиль йулларини таъмирлаш харажатлари;
- 7 045 204 110 туман ободонлаштириш бошқармасининг хужаликлараро (қишлоқ) автомобиль йулларини таъмирлаш харажатлари;
- 7 045 205 110 туман ободонлаштириш бошқармасининг шаҳар посёлкалари автомобиль йуҳлларини таъмирлаш харажатлари».
 - 9. 26-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:
- «Пудрат ташкилотлари томонидан бажарилган иш ҳажмлари лойиҳасмета ҳужжатлари асосида аниқланган мукаммал таъмирлаш, шунингдек объектлар буйича жорий таъмирлаш ишларини молиялаштириш (туловлари) Буюртмачи томонидан амалга оширилади:»
 - 10. 27-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:
- «27. Автойўлларни жорий таъмирлашни молиялаштириш (тўловларни амалга ошириш) (мазкур Низомнинг 26-бандида назарда тутилган объектлардан ташқари) жорий йил иш ҳажмининг 15 фоиз миқдорида бўнак бериш йўли билан, кейинчалик ажратилган бўнак тўловларини мутаносиб равишда ушлаб қолишни ҳисобга олган ҳолда ойма-ой молиялаштириш орқали амалга оширилади».
- 11. 32-банддаги «ва автойўлларни ўрта таъмирлаш» деган сўзлар «таъмирлашда, шунингдек автойўлларни жорий таъмирлаш, иш хажмлари лойиха-смета хужжатлари асосида аникланган» деган сўзлар билан алмаштирилсин.
 - 12. Мазкур ўзгартиришлар ва кўшимча Ўзбекистон Республикаси Дав-



11 (511)-сон

— 101 —

123-124-моддалар

лат архитектура ва қурилиш қумитаси ва «Узавтойул» ДАК билан келишилган.

Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси раиси

Б. ЗОКИРОВ

2012 йил 1 март

«Ўзавтойўл» ДАК раиси

М. АБДУЛЛАЕВ

2012 йил 1 март